



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 21 май, чоршанба

№41 (11.532)

Эркин нархда сотилади

ЕВРОПА
ПАРЛАМЕНТИ
ВАКИЛЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОНДА

Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликда қонунчилик, парламентларо алоқаларни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон ҳамда ЕИ парламент демократиясини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлаштириш ва қатор бошқа соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этди.

Музокара давомида "Ўзбекистон-ЕИ" парламентларо ҳамкорлик қўмитасининг шу йил 21 май кунини Самарқандда бўлиб ўтadиган туртинчи мажлиси давомида кўриб чиқилган масалалар ҳусусида ҳам фикр алмашилди.

Мазкур қўмитанинг илк мажлиси 2000 йил июнда Брюссель шаҳрида бўлган эди.

ОРОМГОҲЛАР
БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР

Мамлакатимизда бу йил ҳам болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жорий йилда ушбу тадбир қандай ўтади, оромгоҳлар мавсумга шайми?

Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси кенгаши бош мутахассиси Мавлуда ШУКУРОВА бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу йил 240 мингдан зиёд ўғил-қиз оромгоҳларда ўз саломатлигини мустаҳкамлаб, ҳордиқ чиқаради. Мавсум анъанасига кўра, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан бошланади. Мавсумда 580 дан зиёд оромгоҳ болаларга ўз эшиklarини очади. Айни пайтда санаторий тоифасидаги, спорт-соғломлаштириш ҳамда мактаблар ҳузурида ҳам дам олиш масканлари ташкил этилади.

Ҳар йилгидек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг келадиган

тўрт минг нафардан ортиқ ўқувчи Тошкент вилояти ва пойтахтимиз ҳудудидаги энг сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқаради.

Йўлланма қийматининг маълум қисмининг касба уюшмаларининг ижтимоий суғурта жамғармасидан, қолган қисми корхоналар, оталиқ ташкилотлари, касба уюшмалари маблағлари ҳисобидан қопланади. Ота-оналар, агар йўлланмани касба уюшмалари орқали сотиб олса, уларнинг ўн саккиз фоизинигина тўлайди. Маҳаллалардаги кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар, шунингдек, меҳрибонлик йўлари тарбияланувчилари учун алоҳида имтиёзлар кўзда тутилган — уларга йўлланмалар бепул бериледи.

Ташқи иқтисодий фаолият

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди — ҳамиша ўзгаради, тақомиллашади. Чунки, бозор ислохотлари чуқурлаша боргани сари мамлакатимиз иқтисодиётини бошқарув тизими ҳам мукаммаллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини таъкид этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларни ташкил этишнинг самарали робитасини барпо этиш йўлидаги муҳим босқични бошлаб берди.

— Маълумки, Президентимиз иккинчи қаҳирчи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаларида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгиллаб берди, — деди Тошкент вилояти ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасининг бошлиғи Абдурашид Зокиров «Тошкент ҳақиқати» мухбирига. — Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, эркин иқтисодиёт таъминлаштириш жорий этиш, хусусий секторнинг мавқеини янада ошириб бериш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш хозирги босқичдаги асосий вазифа бўлиб қолди. Иқтисодиётимизда кенг миқёсда ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Зеро, бошқарув тизими ҳам шунга мутаносиб равишда тақомиллаштириляпти.

Президентимизнинг Фармонида мавзифиқ Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 23 ок

2003 йил — Обод маҳалла йили

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда маҳалланинг ўрни алоҳида. Унинг мавқеи ва соғй-харақатлари салмоғи мустақиллик йилларида айниқса мустаҳкамланди, эндиликда аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш тизимининг асосига айланди. Маҳалла деғанда Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «... халқимиз, миллатимиз нафакат кўркем ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-баракат ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади».

ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛИБ,
АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

— 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, ҳар бир инсон, ҳар бир хонадон ҳаётида, яшаш жойларида тартиб-интизомни мустаҳкамлашда уларнинг моҳияти, роли ва аҳамиятини яна ҳам ошириб юборди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Тўлқин Миркомбаров. — Вилоятимиз ҳокимиятининг фармойиши билан тасдиқланган «Обод маҳалла йили» Тошкент вилояти дастурини бажариш жараёнида жойларда бир қатор ибратли тажрибалар тўпланмоқда. Биз уларни чуқур ўрганиш ва кенг омдалаштириш мақсадида жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари раисларининг сайёр тажриба ўрганиш машғулотларини йўлга қўйдик.

Биринчи машғулот қатнашчилари Зангиота туманидаги Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда дастурда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши билан атрофича танишилди. Маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, янги иш жойлари барпо этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия соҳаларида олиб борилаётган ишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Солиқўжа Норхўжаев машғулот иштирокчиларини Зангиота зиёратгоҳининг тарихи билан таништириб, маънавий тарбияни кучайтиришда унинг ўрнига алоҳида тўхталди.



«Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилиш жараёни билан танишилди, ибратли ишларни ўрганиш ва ёйиш, заруриятга қараб, маҳалла оқсоқолларига тегишли услубий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ю. ЖУМАНИЕВОВ.

СУРАТЛАРДА: (чапда) машғулот ўтган Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинининг янги биноси; (оқорид) ўқув қатнашчилари «Бозор» маҳалла қўмитасининг биноси олдидagi учрашув чоғида.

Суратларни Еркебой БОТИРОВ олган.

мақсадида амалий ишга киришилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари экспортни янада ривожлантириш учун Агентлик билан биргаликда давра сўхбатлари ўтказилди. Белгиллаб олинган режага асосан экспорт қилувчи корхоналар, кичик ва ўрта бизнес намоёндалари ҳамда хусусий тадбиркорлар иштирокида ташқи иқтисодий фаолият ва маркетинг бўйича ҳудудий семинарлар ўтказишга келишиб олинди.

Хозирда бошқармаимиз томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб қараётган маҳсулот турлари бўйича маълумотлар базасини кенгайтиришга киришилди. Уларни интернет сайтига қиритиш мақсад қилиб қўйилган. Бу тадбирлар, ҳеч шубҳасиз, уларнинг ташқи дунё бозорларидаги ўз маҳсулотлари билан қишлоқларига қўмақлашади. Шу асосда Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган дастурини амалга оширишда уларнинг иштироки янада кенгайди, жаҳон бозорига чиқишининг янги-янги имкониятлари ҳаракатда келади.



Тадбир

ОИЛА — ҲАЁТ
ГУЛТОЖИ

Ҳар бир намунали оила, уларнинг бой ҳаётий тажрибаси ёшлар учун қатта мактаб. Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг Тошкент тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган тадбири «Оила — ҳаёт гултожи» деб номланди. Унда вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларидан намунали оилаларнинг вакиллари иштирок этишди.

Учрашув иштирокчилари орасида ҳаёт синовларидан биргаликда ўтиб, ўғил-қизлари, невараче-варалари даврасида кексалик ҳаётини сураётган пиру бадавлат отахон ва онахонлар, мустақил турмушга қадам қўяётган, бағоят оstonасида турган йигит-қизлар ҳам қўнчилиқни ташкил этди. Даврада оила, эр-хотин муносабатлари, миллий анъана ва қадриятларимиз, тўй маросимларимизни ихчам ва мазмунли ўтказиш борасидаги фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

Келес шаҳарчаси Қорасарой маҳалласидан Асомиддин ота Насриддиновнинг оилада отанинг ўрни, Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини Шамсидин маҳалласидан Абдуғани ота Йўлчиевнинг фарзандлар бўлгу-ни оила соҳиблари эканлиги, Кўктерек қишлоғи Хайрулло ота Иброҳимовнинг тўй ва маросимларини ўтказиш, Ма-

салбой қишлоғидан Илёс ота Исмаиловнинг ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни ҳақидаги фикрларини ҳамма қизиқиш билан тинглади.

— Ватан остонадан бошланади, — деди вилоят ҳокимиятининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмад-жоновна. — Остона — оиламиз. Оила тинч бўлса, руҳиятимиз тетик, кайфиятимиз яхши, меҳнатимиз самарали бўлади. Оиланинг муқаддаслигини ёш авлод онгига синдириш, уларни ҳар томонлама ҳаёtgа тайёрлашда Сиздек отахон ва онахонларимизнинг тажрибалари, ўғит ва насиҳатлари низоҳатда қадри.

Тадбир иштирокчиларига «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Эко-сан» жамғармалари, «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлимларининг эсдалик совғалари топширилди.

Зулхумор ЖҲРАЕВА.

Рағбат

МУКОФОТГА ЮЗ
МИНГ СЎМ

«Электримёсаноат» очик ҳиссасдорлик жамиятининг энг йирик бўлинмаларидан бири қарбамид ишлаб чиқариш мажмуаси ўтган йил охирида деярли тўхтаб қолган эди.

Жорий йилнинг дастлабки ойларидан унда тайёрланаётган муҳим маъданли ўғит турига буюртмалар туша бошлади. Уларни бажариш юзасидан тузилган режа муваффақиятли удаланмоқда.

Йилнинг биринчи чорағида белгиланган топшириқ 130 фоиз қилиб бажарилди. Маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати эса 172 фоизни ташкил этди. Қарбамидчилар

Ўз мухбиримиз.

Олимпиада — 2003

КИМ БИЛИМДОН,
КИМ ЗУККО?

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида бир қанча инновацион фаолиятлар амалга оширилмоқда. Иқтидорли ёшларни излаш, аниқлаш ҳамда улар билан ишлаш шулар жумласидандир. Мамлакатимизда ўтказиляётган фан олимпиадалари бу йўналишда муҳим амалий аҳамият касб этаётир.

Жумладан, Тошкент Давлат аграр университетида бўлиб ўтган Республика талабалар олимпиадаси уларнинг олий таълим дастуридаги фанлардан олган билим ва қўникмаларини, бўлажақ мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини оширишга қаратилди. Бу тадбир иқтидорли ва истеъдодли ёшларни Кадрларни тайёрлаш миллий дастурида қўрсатилган вазифалар асосида мақсадли тайёрлаш бўйича оммавий равишдаги интеллектуал мусобақалардан бири сифатида намён бўлди.

«Агрономия» ва «Биология» фанлари бўйича ўтган бу танловда Қорақалпоғистон, Бухоро, Урганч Давлат университетлари, Андижон, Самарқанд қанд қишлоқ хўжалик ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларидан ташриф буюрган талабалар тест синовии асосида беллашилди. Натижалар дарҳол эълон қилиниб, биринчи ўрин «Агрономия» фани бўйича Самарқанд қишлоқ хўжалик институти талабаси Бехзод Очиповга, «Биология» фани бўйича эса Тошкент Давлат аграр университети талабаси Дилсора Худойбердиевага насиб этди.

Олимпиада голиблариға Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-максус таълим вазирлигининг дипломлари ҳамда Тошкент Давлат аграр университети Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

